

БАНГФУРУШЛИККА ҚАРШИ КУРАШ -- ҲАММАНИНГ ИШИ

Фавқуллодда вазиятлар вазирлигида наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Бош вазирнинг Биринчи ўринбосари, Давлат комиссияси раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Мажлисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бир қанча вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддалар устидан назорат қилиш миллий ахборот-таҳлилий марказининг директори, Давлат комиссияси раисининг ўринбосари К.Боймуродов бу соҳадаги вазият ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний савдосига қарши кураш бўйича Ўзбекистон давлат тузилмаларининг фаолияти ҳақида ахборот берди.

Ҳозирги пайтда дунёда гиёҳвандлик ва бангфурушликка қарши кураш жуда ўткир муаммо бўлиб қолаётгани қайд этилди. Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўтган йилнинг ўзидагина 3308 килограмм наркотик моддаларни мусодара қилди. Шунга қарамай, гиёҳвандлар кўпайиши тамойили кўзга ташланмоқда. Бу аҳвол мазкур захри қотилга қарши курашда қатъий ҳаракат қилиш ва барча воситалардан фойдаланишни тақозо этади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бошқарув органлари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари ва бошқа муассасаларнинг вакиллари бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маъруза қилдилар.

Давлат комиссияси Миллий

хавфсизлик хизмати, божхона, ички ишлар органлари ходимлари Ўзбекистон ҳудудига наркотик воситалар ва уларни тайёрлаш учун керак бўладиган дориларни қонунга хилоф равишда олиб келиш ҳолларининг олдини олаётганини таъкидлади. Бундан буён мамлакат ичкарисида наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши шошилинч чоралар кўриш, таркибида наркотик модда бўлган ўсимликларни йўқ қилиб ташлаш, қонунбузарларни қаттиқ жазолаш, ажал уруғи келадиган барча йўللари беркитиб ташлаш бўйича «Қорадори-98» операциясини самарали ўтказиш зарур.

Айни пайтда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, миқтақалардаги бошқарув органлари кенг жамоатчилик билан биргаликда гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни аниқлаш, уларни даволаш учун шароит яратиш, мактаблар, билим юртлири, техникумларда, олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириши лозим.

Мажлисида наркотик воситалар, психотроп ва захарли моддалар ҳамда наркотик моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган воситаларни мамлакатга қонуний тарзда олиб келиш ва олиб чиқиб кетиш тартиби тўғрисидаги муваққат низом лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

/ЎЗА/



ХАЙР МАКТАБ...
4-5 саҳифаларга қаранг

ШОХСУПАДА - МЭЗБОНЛАР

Самарқандда "Камолот" жамғармаси ташаббуси билан Мудофаа, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Ватанпарвар" ташкилоти, "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар жанговар ва ҳарбий-спорт беллашувларидан ташқари ҳарбий бурч ҳамда ҳарбий-ҳуқуқий билимлар борасида куч синашдилар. Ўқувчилар қуролли кучлар ички тартиб қоидалари асосида казармаларда яшаб, жанговар техника, аскарлар турмуши, ҳарбий хизмат шарт-шароитлари билан танишдилар.

Ўз рамзи, байроғи ва гимнига эга бўлган "Шунқорлар" ҳаракати уйинларига Республикаимизнинг 200 мингта яқин юқори синф ўқувчилари қатнашди.

Якуний босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ўз ҳудудларида мутлоқ ғолиб бўлган 14 жамоа иштирок этди.

Ғолибликнинг шохсупаси Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 47-ўрта мактабга, Фарғона туманидаги 19-мактабга иккинчи, Сирдарё вилояти Янгийер шаҳридаги I-гимназия жамоаларига эса учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

"Камолот" жамғармаси Миробод туман бўлими меҳнат биржаси билан ҳамкорликда "Бўш иш жойлари ва вақант лавозимлар" ярмаркасини ўтказди. Бу бежиз эмас, чунки бу йил туман мактабларини 11,5 минг нафардан зиёд ёшлар бити-

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

ради. Тадбирда 80 дан зиёд корхона ва ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Ярмарка ишида 3 мингдан зиёд киши қатнашди. 1200 нафар йигит ва қизларга зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди, 160 нафар киши ишга, 82 киши ҳунар ўрганишга йўлланма олди.

Ўз мухбиримиз

ЎЗ ЮРТИМИЗДА

* Гулистонда Республика хотин-қизлар кўмитаси ва "Камолот" жамғармаси, халқаро Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорлигида ўтказгач "Аёллар, ёшлар ва жамият" мавзудаги икки кунлик анжуман ниҳоясига етди.

* Халқ таълими вазирлиги муассислари иштирокида мустақилликнинг етти йиллигига бағишланган "Ўзбекистон -- Ватаним маним" кўшиқ байрами якунланди.

* Касаба уюшмалари Тошкент вилояти кенгаши маданият маркази меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болалар ижодиёти фестивалини ўтказди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАБАРЛАРИ

БИШКЕК. «КАБАР» ахборот агентлигининг хабар беришича, Япониянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги Қирғизистон пойтахти ва Чу водийсида бешта мактаб қуриш ҳамда уларни дарслик ва зарур ўқув қуроллари билан таъминлашмоқчи.

АЛМАТИ. КазААГ ахборот агентлигининг хабар беришича, Қозғистонга ноқонуний равишда дори-дармон олиб кириш билан шуғулланувчи бир гуруҳ ХХР фуқаролари қўлга олинди. Озиш воситаси деб мамлакатга олиб кирилган катта миқдордаги доривор гиёҳлар текшириб кўрилганда, уларнинг аксарияти психотроп модда эканлиги аниқланган.

БИШКЕК. Қирғизистон пойтахтида ҳар гектар ерга тўрт юз-беш юз дона каламуш тўғри келади. Шаҳар атрофида эса каламушлар сони бундан икки баробар кўп.

Бундан 20 йил бурун Қирғизистонда умуман каламуш бўлмаган. Ҳозиргилари эса ҳар хил тажрибалар ўтказиш учун келтирилган каламушлардан тарқатган.

ДУШАНБЕ. Жаҳон банки уч йил давомида Тожикистонга 220 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит ажратадиган бўлди.

Тожикистон президенти Имомали Раҳмоновнинг Францияга расмий таширифи чоғида Жаҳон банкининг Европа бюроси вакиллари билан шу тўғрида ҳужжат имзоланди. Шунингдек, мазкур ҳужжатда Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами сифатида олтмиш миллион доллар ажратиш ҳам кўзда тутилган.

ХОРИЖДА

Индонезияга 32 йил раҳбарлик қилиб келган 76 ёшли президент Сухарто уч ой мобайнида давом этган талабалар намоёнлашларидан сўнг истеъфого чиқишга мажбур бўлди. Индонезия вице-президенти Юсуф Хабибий Сухарто вориси сифатида 2003 йилгача президентликни қабул қилди.

Деҳли томонидан жуда катта кучга эга яна битта янги ракетанинг синовини ўтказилди. Ҳиндистоннинг бундай хатти-ҳаракатлари Покистон ҳукуматининг қаттиқ норозилигини уйғотмоқда. Айни пайтда Покистоннинг Панжоб штатидаги сайловлар кучли тартибсизликларга айланди. Бу ердаги тўқнашувлар оқибатида ўнлаб киши ҳалок бўлди, бир неча юз киши жароҳатланди. Полициячилар тартибсизликларни уюштирган 500 дан зиёд кишини ҳибсга олди.

Америка Қўшма Штатлари ва унга чегарадош мамлакатларнинг миллионлаб фуқаролари алоқа воситаларисиз қолиб кетди. Пейджинг хабарларининг кўпчилигини таъминлаб турган "Галактика-4" номли йирик космик йўлдош номаълум сабабга қўра ишдан чиқишини америкаликлар миллий ҳалокатга тенглаштирмоқдалар. Ҳатто 5,5 минг ёқилғи куйиш тармоқларидаги ахборот ҳам айни шу сунъий йўлдош орқали олинаётганлиги туфайли машина ҳайдовчилари ҳам бензин сотиб олиш имкониятидан маҳрум бўлдилар.

"Туркистон", ЎЗА ва хориж матбуоти хабарларидан



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ЁШЛАР

Республикамиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий тараққиётининг ҳозирги кундаги натижалари, айниқса, давлат қурилиши, янги ҳуқуқий тизимни шакллантириш, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни демократиялаштириш борасида эришилган улкан ютуқлар жамиятимизда сиёсий ислохотларни ҳар томонлама чуқурлаштириш учун ниҳоятда мақбул шарт-шароитлар вужудга келтирилганлигининг ифодасидир.

Бугунги кунга келиб, республикамиз демократик тараққиётида, гарчанд ниҳоятда қисқа вақт ичида бўлса ҳам, улкан натижаларга эришдик. Бу ютуқлар натижаси ўларок, ҳозирги вақтда юртимизда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш устида ажойиб имкониятлар вужудга келдики, навбатдаги улғувор вазифалар янада равшанроқ кўриниб қолди.

Демократия -- фуқаролик жамияти асосларини вужудга келтирувчи асосий омилдир. У бундай жамиятнинг шаклланиши учун нафақат имкониятлар яратади, балки бундай жамиятни объектив зарурият ҳам қилиб қўяди.

Хўш, буни биз аввало нималарда кўрамиз?

Биринчидан, фуқаролик жамиятининг фаолият кўрсатиши учун демократик давлат бошқаруви, сиёсий фаолиятнинг ижтимоий жиҳатларининг амалда мавжуд бўлишлиги, фақатгина демократик тараққиёт натижасида эришилади.

Иккинчидан, фуқаролик жамиятининг ижтимоий асосини ижтимоий жиҳатдан эркинлиги тобора ўсиб боровчи, эркин фуқаролар ташкил этади. Демак инсониятнинг фуқаролик жамият сари интилиши ўзининг чуқур сабабларига эга. Бу сабаблар марказида инсоннинг тобора ўсиб

бораётган манфаатларини қондириши зарурлиги юзасидан келиб чиқади ва бунда давлат билан фуқаролик жамияти ўзига хос равишда ҳамкорлик қилади.

Фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиқроғини ташкил қилувчи ёшларнинг роли бекиёсдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшларга бўлган муносабатда давлат аҳамиятига молик бўлган масала сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг асосига ҳар томонлама мукаммал, ривожланган, баркамол авлодни қўйилиши демократик тараққиётнинг жаҳонда тан олинган энг талабчан тамойилларига мос тушади.

Бу ўринда ёш авлоднинг демократик тараққиёт қадриятларига садоқат ва онгли муносабатда бўлишлик руҳида тарбиялаш борасида катта ишларни амалга ошириб келаётган Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Қамолот" жамғармаси фаолиятининг ижобий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Жамғарма фаолиятида ёшларнинг иқтисодий, сиёсий-маънавий, маданий, ҳуқуқий манфаатлари ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда қондириш юзасидан дастурлар тузиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиш масаласига алоҳида катта эътибор берилмоқда.

Шунингдек, жамғарма қошидаги "Қамолот-Қонун" маркази ва унинг вилоят бўлимларининг ишлари ҳам диққатга лойик. Марказ томонидан инсон ҳуқуқлари, ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш ва давлатимиз қонунчилигини тушунтириш бўйича қатор анжуманлар уюштирилди. Уларнинг айримларида хорижий ташкилотлар ҳам жалб қилинди.

Жамғарма томонидан 1998 -- Оила йили тадбирлар режаси ҳам ишлаб чиқилиб, тадбиқ этилмоқдаки, бу режа ёш оилалардаги муносабатларнинг турли ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш, уларни ижтимоий ҳимоя

боровчи ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маърифий эҳтиёжларини ва манфаатларини қондириш ётади.

Республикамизда адолатли демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш вазифалари миллий раванқимизнинг асоси сифатида қабул қилинди. Фуқаролик жамияти асосларини қарор топтириш билан боғлиқ бўлган ҳозирги даврдаги энг устувор вазифалар ва уларни ҳал этишнинг мукаммал йўллари тўғрисидаги янги ғоялар Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида илгари сурилди.

Йўлбошчимиз таъкидлаб ўтганидек: "Демократик ўзгаришларнинг ҳозирги босқичи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг узоқ вақтга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бундан давлатнинг роли демократик тараққиётимизнинг пировард мақсади -- фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадига асосланган ҳолда тубдан ўзгариши даркор".

Янги давлатчиликни мустаҳкамлаш ва тараққий эттиришнинг устувор йўналишлари давлат ва шакллантирилаётган фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар тизимини энг мақбул асосда ҳал қилишга қаратилгандир. Бу ўринда бир қанча вазифалар мавжуд бўлиб, уларнинг марказида давлат ва қарор топиб келаётган фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорлиқнинг умумжамятимиз талаблари ва манфаатларига жавоб бера оладиган шакллари ва услубларини қарор топтириш вазифаси туради. Дунёнинг илғор мамлакатлари давлатни ва жамиятни идора этиш борасидаги тажрибаси ҳам буни тасдиқлаб турганидек, демократик давлат билан фуқаролик жамияти бир-бирини тўлдирувчи ва тақозо этувчи хусусиятга кўпроқ эга бўлиб бормоқда.

Бундай ҳолат демократик давлат ва фуқаролик жамиятнинг демократик тараққиёт натижасида мамлакат фуқароларининг тобора хилма-хиллашиб

қилиш оиладаги муносабатларни ҳуқуқий ва маънавий асосларини ҳар томонлама тарғиб этиш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар тизимини ичига олади.

Бугунги кунда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтириш талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар орасида олиб бориладиган ишларни тубдан ўзгартириш "Қамолот" жамғармаси олдида турган вазифалар кўламини янада кенгайтирган ҳолда, бир қанча масалаларга бутунлай янги нуқтаи назардан ёндошишлик заруриятини туғдиради.

Маълумки, эркин бозор иқтисодиётининг шаклланиши объектив равишда ижтимоий табақаланиш жараёнини юзага келтиради. Хўш, мазкур жараён ёшлар орасида қандай кечмоқда, бу ўринда қандай муаммолар ўзининг ечимини кутмоқда, ҳозирги вақтда жамиятимиз ёшларининг эҳтиёжлари, ижтимоий манфаатлари ва сиёсий дунёқарашлари қандай шаклланмоқда, ёшлар ижтимоий сиёсий фаолияти, яъни улардаги ижтимоий-сиёсийлашув ҳолати қандай даражада ва қандай ўзига хос хусусиятлар билан намоён бўлмоқда? Бизнингча, энг аввало мана шу масалаларни янги кун нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда, ҳар томонлама, чуқур ўрганиб чиқиш зарурдир. Бу кечиктириб бўлмас вазифалар сирасига киради.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётининг ҳозирги даври юртимиз ёшларида юксак маданиятни ва маънавиятни камол топтириш, бу соҳадаги барча ишларни сифат жиҳатдан янги даражада олиб боришлик ниҳоятда муҳимдир.

Улғубек ИДИРОВ,
сиёсий фанлар номзоди



Мустақиллик шарофати билан тошкентлик иқтидорли қиз Жаҳона Абдурасулова 14 ёшида олий ўқув юрти талабаси бўлди.

БАРҚАРОРЛИККА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛИМIZ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли китобида кўтарилган долзарб масалалар бўйича илмий анжуман ўтказилди. Олий ўқув юртлари раиси ўтказилган ушбу тадбир "XXI аср арафасида тараққиёт ва хавфсизлик муаммолари" мавзусига бағишланди. Унда ТошДУ, Жаҳон иқтисоди ва дипломатияси университети, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қошидаги минтақавий ва стратегик тадқиқотлар институти, Фанлар Академиясининг Шарқшунослик, Тарих институтлари, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Тошкент Давлат юридик институти ходимлари ҳамда бир қанча халқаро фонд ва ташкилотлар, хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирнинг айнан бу ерда ўтказилиши бежиз эмас. Бойи, институт халқаро муносабатлар кафедраси қошида 1995 йилдан буён республикада ягона бўлган минтақадаги тинчликпарвар фаолиятни ўрганиш бўйича жамоатчилик маркази иш олиб бораёпти.

Анжуманда "Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш", "Марказий Осиё минтақаси учун диний экстремизмнинг хавфи ҳамда уни бартараф этишнинг йўллари", "Ҳиндистон ва ядровий қуролланиш масалалари" каби долзарб мавзуларда Тошкент Давлат университети проректори, тарих фанлари доктори Раҳбар Муртазоева, сиёсий фанлар доктори Зоҳидулло Мунавваров, профессор Темураб Габдуллин мавзуларни қилишди.

Шундан сўнг анжуман қатнашчилари шўъбаларга бўлиниб, соҳага оид масалалар хусусида баҳс-мунозаралар юритишди.

Бир қарашда юртимиз чегараларига яқин жойларда юз бераётган барча низолар давлатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлиқни сақлаб туришга бевосита алоқаси йўқдек туюлади, дейди институт ректори Неъматилла

Иброҳимов, -- Бироқ, бундан буён ҳам ташвишли ҳодисалар бизни четлаб, ўз йўлидан ривожланаверади, барқарорлик ўз-ўзича сақланаверади, мамлакатнинг келажаги эса ўз-ўзидан таъминланган, дея фикр юритиш ўзи хатодир. Бу тўғрида Президентимиз Ислом Каримов ҳам асарларида батафсил тўхталиб ўтганлар. Бугунги тадбиримизнинг муҳим жиҳати ҳам ана шунда.

Анжуманнинг муҳимлиги шундаки, унда кўпгина олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари билан биргаликда талабалар, ёш олимлар ҳам бевосита иштирок этишди, дейди аспирант Хусан Сатторов. -- Унда ёшлар фикрига эътибор билан қаралди, уларнинг маърузалари пухта ўрганилди. Мазкур тадбир ёшлар дунёқарашини, тафаккури ва билим доирасининг кенгайишида жуда фойдали ва сермахсул омил бўлди.

Тадбирда давримизнинг энг долзарб муаммолари хусусида сўз юритилди, дейди мазкур олий ўқув юртининг 2-курс талабаси Камола Аҳмедова, -- айниқса атроф-муҳит, экология масалаларига бағишланган мавзулар менда катта қизиқиш уйғотди. Ахир табиатнинг софлигини сақлаш биргина давлатнинг муаммоси бўлмай, балки умумбашарий масаладир. Келгусида шу мавзуга оид илмий иш қилиш ниятим бор. Шунингдек, анжуманда минтақадаги тинчликпарвар фаолиятни ўрганиш жамоатчилик марказининг ишини янада кучайтириш, қўллаб-қувватлаш, янги дастурлар, махсус ўқув курслари ишлаб чиқишга оид лойиҳалар тасдиқланди. Ўқилган маърузаларни тўплам ҳолида нашр эттиришга келишиб олинди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимов ҳамда хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчихоналари вакиллари иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
"Туркистон" мухбири

“ЯШИЛ ЧИРОҚ -98”



Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги 106-мактабда республика мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган “Яшил чироқ-98” мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар туманлари бўйича босқичларда голиб чиққан жамоалар иштирок этишди. Мусобақада С.Раҳимов туманидаги 249-мактаб ва М.Улуғбек туманидаги 222-мактабнинг жамоалари барча турларда ўзларини кўрсатиб, голибликни қўлга киритишди. Иккинчи ўринга А.Икромов туманининг 177-мактаб жамоаси, учинчи ўринга эса Чилонзор туманининг 232-мактаб жамоаси муносиб деб топилди.

Суратларда мусобақадан лавҳалар.

Сураткаш: Р.АЛБЕКОВ

Ўзбекистон Бадиий академияси Маданият ишлари ва Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда тасвирий ҳамда амалий санъат бўйича иқтидорли ёшларнинг иккинчи республика танловини ўтказди. Унда академия ва вазирликлар тасарруфидаги ўрта махсус санъат билим юртлири, коллеж ва лицей-интернатларнинг ёш рассомлари иштирок этди.

Илгари бундай

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

кўргазмаларда санъатнинг маълум турларига қатнашарди. Бу галгисида эса ўттиз икки мутахассислик бўйича яратилган асарлар намойиш этилди. Биринчи марта дизайн йўналишидаги бўлажак мутахассисларнинг ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Иқтидорли ёшлар танловининг ялпи кўргазмаси республика бадиий рассомлик коллежида ташкил этилди. Улардан юздан ортиги кўргазмага қўйишга тавсия қилинди. Бу асарлар орасида попопчилик буюмлари, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик ва лак-миниатюра, дизайн бўйича биринчи ўринни эгаллади. Улар Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига имти-ёзли тарзда имтиҳонсиз қабул қилинади.

Б.МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири

Давлат солиқ қўмитаси билан «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси таҳририяти Халқ таълими вазирлиги, Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази /ТАСИС/

Евгений Фёдоров танловнинг барча саволларига тўла жавоб бериб, голиб бўлиши учун атиги 12 минут кифоя қилди. Иккинчи ўринни Алишер Навоий номидаги республика

иқтисодиёт лицейи ўқувчиси Нилуфар Каримова, учинчи ўринни 166-иқтисодиёт ли-

СОЛИҚ ТЎҒРИСИДА

ва АҚШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси кўмагида мактаб ўқувчилари учун уюштирган республика танлови шундай деб аталган. «Осиё траст» компанияси, «ПС» фирмаси, иккита йирик қўшма корхона - «Кока-кола ичимлиги Тошкент Лтд» ва «РВЦ», «Рубикон-У-ТЕЛ» уяли телефон тармоғи, шунингдек, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ олами» нашриёт уйи танловга ҳомийлик қилди.

Танловдан кўзланган

мақсад мактаб ўқувчилари иқтисодий билимларнинг

асосларини, жумладан, республиканинг солиқ қонунларини қанчалик билишларини текширишдангина эмас, балки, бу соҳадаги билимларни ўргатишдан иборат эди. Чунки, болалар танлов саволларига жавоб бериш учун жуда кўп услубий ва меъёрий адабиётларни ўқиб-ўрганишларига тўғри келди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги мактаб ва лицейларнинг ўқувчилари иштирок этган бу беллашув уч босқичда ўтди. Якуновчи босқич - компьютер тестларига жавоб бериш Тошкентда, Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида бўлди.

Тошкентдаги 166-иқтисодиёт лицейи ўқувчиси

Владислав Самохин эгаллади.

Совринли ўринларни эгаллаган танлов иштирокчиларига ташкилотчилар ва ҳомийлар номидан қимматбаҳо совғалар - видео ва аудио магнитофонлар, «Осиё траст» компаниясининг акциялари топширилди. Бундан ташқари, голиблар Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази /ТАСИС/ даги компьютер курсларида бепул

НИМАНИ БИЛАМАН?

ўқиш ҳуқуқини олдилар. Тошкентдаги 166-иқтисодиёт лицейининг 33 ўқувчиси танловда фаол иштирок этди. Шу сабабли, бу лицейга махсус соврин - республика миқёсида нашр этилаётган бир қанча иқтисодий газеталарга текинга обуна бўлиш ҳуқуқи берилди.

Солиқ мавзусидаги биринчи республика танлови ташкилотчиларининг фикрича, бу тадбир ёш авлоднинг иқтисодий билимларини оширишга кўмаклашибгина қолмай, айни пайтда мактаб ўқувчиларида мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига катта қизиқиш борлигини ҳам кўрсатди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Унинг исми Дилбар. Яратганининг ўзи кўп қатори унга ҳам қошу кўз, қўлу оёқ, ақл заковат, ҳусну малоҳатни дариг тутмаган. Лекин, энди-энди маълум бўлдики, Дилбар сабр-қаноатли, бардошли экан. Балки бу мўминалик, муслималикдир. Таассуфки, шу туфайли у бугун орамизда йўқ. Ортидан бўзлаб қолган тўрт боласи, армонларда қолган ота-онаси, сингилларини излаб қолган жигарбандларининг юрагидан бир парча ўкинч жой олди. Не қилишсин, улар ҳам Дилбарнинг қалби тоғ қадар юксак, дарёмисол тубсиз эканлигини фақатгина бундан атиги бир ой олдин - тупроққа топширишгандагина билишди: Дилбар ўлим билан олишган тўшакдан, аниқроғи, у бош қўйган ёстиқдан бир даста хат олдилар...

Бу хатларни менга унинг отаси келтириб берди. Ҳа, ҳеч ким қариган чоғида йиғламасин экан. 70 ёшли отахоннинг бу изтиробини эшитиб, тош юраклар ҳам жунбушга келади. У олти қизнинг ўртанчаси Дилбарни ношуд йиғитга бериб қўйганини аввал бошданок билганди. Биларди-ю, “фалончининг қизи қайтиб кепти”, деган гапдан номус қилди. Саккиз қудаси, маҳалла-қўйда ўзига яраша обрў-ҳурмати бор ахир. Қайси ота-она фарзандининг бебаҳт бўлишини истайди? Худди шу каби Дилбар ҳам Нажимнинг бадхулқли-гидан бир-икки шикоят қилиб келганида ота-онаси уни силтаб беришди. “Ўтмаган рўзгор борми, чида, сабр тағи олтин, бу уйга қайтиб келишни ҳаёлингга ҳам келтирма, чиққан қиз

ОСТИДАГИ

чиғириқдан ташқари”, дейишди. Ҳатто у ёққа борса эри, бу ёққа келса ота-онаси уйига кiritишмаганида кўчада қолган кунлари ҳам кўп бўлди.

Бора-бора қоғоз ва қалам Дилбарнинг ёлғиз сирдоши, дардкашига айланди. У ёзганларини, албатта, маъмурий идоралар раҳбарлари номига битар, фақатгина почта қутисига эмас, ёстиқ жидига жойларди.

— БИРИНЧИ ХАТ. Шаҳар халқ судига. 10 июль. 1978 йил.дан ариза.

... Менинг ҳам бир олам орзу-умидларим бор эди. Ота-онам “кексайиб қолдик, кўзимиз очиклигида эганга топширайлик”, деб узатишди...

Улар икки-уч ой рисоладагидек яшади. Ота-онадан жуда эрта етим қолган Нажим мактабнинг 7-синфини зўра тугатди-ю, шаҳарнинг гавжум жойларидан биридаги ошхонада идиш-товоқ ташиб юрди.

ЁСТИҚ

“Оила — муқаддас даргоҳ”
танловига

Сал улғайгач, ошпази ёнига олди. Қўлига уч-тўрт танга пул тушгач, ичкиликка ўрганди. Унинг “шефи” Дилбарларнинг қўшниси эди. Қизни бошқа йиғитга унаштириб қўйишганига қарамай чол-кампининг ёқасидан кириб, енгидан чиқиб, ўзларига буришди ва Нажимга олиб беришди.

“Эрим ҳар куни маст ҳолда келади. Ҳали у, ҳали бу баҳона билан уриш чиқаради. Ҳомилалдорлигимни ҳам ҳисобга олмай, азоблайди. Натижада биринчи фарзандимок ой-кунига етмай туғилди.”

Шикоят хати ёзилганда Дилбар ўн ойлик келинчақ эди. Турмушнинг илк асал ойлари ўтказилади одатда, бу пайт.

Дилбар эса эридан “итнинг боласи”, “ҳайвон” деган сўзларни эшитарди.

“Мен хотини бўлганим учун хоҳласа урармиш, хоҳласа суярмиш. Ўртоқ судья. Мен бу турмуш билан қандай яшайман. Илтимос, ушбу аризамни кўриб чиқсанглар”. Имзо.

ИККИНЧИ ХАТ. Шаҳар прокурорига. 28 август. 1979 йил.

ХАТЛАР

“... Икки йилдирки, уй қамоғида яшаб келаяпман. Мен жуда оғир аҳволда қолдим. Ҳатто итга овқатни вақтида бермабсан, деб ҳам аёвсиз калтаклайди. Бирор кишига шикоят қилмасин, деб эшикни устидан беркитиб, сўнгра ишга ёки кўчага кетади. У билан икки йил яшаган бўлсам, тортган азобларимни ёзиш учун йигирма йил керак бўлади...”

Апрель ойида Дилбар қизи Умидани олиб ота-онасиникига кетиб қолди. 3 май куни Нажим икки ўртоғи билан уни олиб келгани келди. Тутуриқсиз меҳмонларнинг бари маст эди. Эрининг ошнаси пичоқ қадаб, у яхшиликча ҳозирнинг ўзидаёқ олдиларига тушиб,

уйга кетиши, агар кўнмаса аввал Дилбарни, сўнгра оила аъзоларини биттама-битта пичоқ дамидан ўтказишини айтиб кўрқитди.

“... Шу алфозда уч ойгина яшадик. Чарамда умрим фақатгина кулфат билан ўтадиганга ўхшайди. Шароитимни ўрганиб чиқиб ёрдам беришингизни сўрайман”. Имзо.

УЧИНЧИ ХАТ: Шаҳар хотин-қизлар қўмитасига, ноябрь, 1979 йил. “... Мен тенги аёллар мазза қилиб ишляпти, ўқияпти. Тирик бўлиб тирикмасман, ўлик бўлиб ўлик...”

Кўрқитув билан мажбуран эриникига кетган Дилбар олти ойгина яшади. Нажимнинг хурмача қилиқлари суяк-суягидан ўтиб борарди. Охири ишдан ҳам ҳайдалди-ю, инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотди.

“Мен бир муштипар аёл бу шикоятимга ҳеч қачон уйдирма қўшмадим. Ҳақиқатни ёздим. Ҳеч бўлмаса сизлар менга ёрдам беринглар”. Имзо.

ТўРТИНЧИ ХАТ. Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғига. Март. 1980 йил. “... Ўзи кўрган кўним курсин. Эримнинг ҳайвоний қилиқларидан тишимни-тишимга қўйиб яшаётган эдим. Навбатдагиси ортиқча бўлди...”

(Давоми 6-бетда)

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманига қарашли 150-маҳсус араб тилига ихтисослашган мактабда бўлиб, бу йил мактабни битирувчи 11-“Б”-синф ўқувчиларининг орзу-ўйлари билан қизиқдик.

Уларга мактабни битириш арафасида хаёлингиздан нималар кечяпти?— дея савол бердик.

ЙЎЛ УЗОҚ.

Дилафруз АКМАЛОВА: -- Мен етуклик гувоҳномасини олганимдан сўнг, ҳужжатларимни Тошкент Давлат Педагогика университетининг тил ва адабиёт факультетига топширмоқчиман. Бу фанга қизиқишимда ўқитувчимиз Жамила опа Султонхўжаеванинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Насиб қилса, ўқишни тамомлаб, ўзимнинг қадрдон мактабимга ишга келиш ниятим бор. Ахир азалдан устозлар эъзозда бўлишган-ку.

Ҳозир бармоқ билан ҳар кунни бир-бир санаб ўтказяпмиз. Илгари дарслардан қочиб кетадиган болалар ҳам дарс тугаганидан сўнг анча пайтгача мактабда қолиб кетишди. Синфдошлар, мактаб билан хайрлашиш осон кечмас экан.

Малика АБДУЛЛАЕВА: -- Бу мактабга 7-синфдан келганман. Унгача инглиз тилига ихтисослаштирилган мактабда ўқирдим. Ҳозир икки тилда эркин сўзлашаман. Тарих, жамиятшунослик, ҳуқуқ фанларига қизиқаман. Мактабни

келажакда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида кириб, халқ хўжалиги тармоқларида янги иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Мактабни битиришни ўйлаган сари кўзимга ёш келаверади, ичимни бир нарсга тилиб ўтгандек бўлаверади. Бу нарсга сўнгги кўнгирик ва битирув оқшомида янада авж олиб кетса керак.

Арафжон МАВЛОНОВ: -- 7-синфгача 117-мактабда ўқирдим. У ерда инглиз тили ўқитиларди. Ёзда Саудия Арабистонига иқтисодий ўқувчиларни олиб кетишларини эшитиб, тест синовини топширдим. Омад қилиб боқди. Мен Кувейт шаҳрида 1 йил коллежда ўқиб келдим. У ерда араб тили, ислом дини, араб халқлари тарихи ва информатика фанлари чуқур ўргати-

шуғулланишни орзу қиламан.

Синфимиз жуда аҳил. Ана шу аҳиллигимиз, дўстлиги-миз абадий қолишини, ҳеч қачон йўқолмаслигини хоҳлардим.

Мавлуда МИРСОЛИЕВА, 11-“Б” синф раҳбари, араб тили ўқитувчиси: -- Шу синфга беш йилдан бери раҳбарлик қилиб келаман. Уларга шун-



чалик суяниб қолибманки, хайрлашиш онларини эсласам, юрагим шувиллаб кетяпти. Мактабимизда 1-синфдан бошлаб араб тили ўқитилади. Шундан бўлса керак ўқувчиларимизнинг кўпчилиги Шарқ тиллари институтида ўқишга майл билдирадilar. Бу йилги битирувчилар орасида турли йўналишларда, турли касбларда ишлаш, ўқишга истак билдираётган ёшлар кўп. Ҳа, давр силжияпти, янги, баркамол авлод етиляпти. Бу авлод мустақил, ҳур фикрга эга бўлиши, ҳаёт сўқмоқларидан ўз йўлини адашмай топиб олишида биз мураббийларнинг ўтити, маслаҳати ва кўмаги ниҳоятда зарурдир. Қатъий, изчил фикрлайдиган ўқувчидан етук мутахассис чиқишига шубҳам йўқ.

Гулчеҳра УМАРОВА, мактаб директори:

-- Мен учун сентябрда мактабга илк қадам қўяётган жажжи ўғил-қизларни кутиб олиш қанчалик қувонч бахш этса, сўнгги кўнгирикда битирувчилар билан хайрлашиш шунчалар огир. Ўн йил давомида уларнинг билим даражаси, дунёқараши, тафаккури кунбакун ўсиб боради. Бугунги ёшларимизнинг орзулари мўл, ҳаваслари катта. Ажаб эмас, бу йигит-қизлардан оз фурсат

ЯҚИН

ўтиб таниқли кишилар, олимлар, ўз соҳасининг билимдонлари етишиб чиқса. Биз эса уларга омад ва муваффақият тилаб қоламиз.

Орзулар йўли узоқ. Манзил эса бир қадам. Эрта-индин мактабни битирган бу ўқувчилар талаба, ишчи каби унвонларни олишади. Истагимиз манзилга ҳамма ўз истагича етиб олсин.

Сухбатни Азиза СОЛИХОВА ёзиб олди.

ТҲЙГА АЙЛАНАЁТГАН ТАНТАНАЛАР

ёҳуд битирувчилар кечаси зарурми?

Ҳадемай мактабларда бу йилги ўқув соатлари ҳам ниҳоясига етади. Айниқса, бу даврда битирувчилар қувончи чексиз. Аммо, мактаб билан хайрлашаётган ўқувчиларнинг битириш оқшомлари катта тўйга айланиб бораётганлигини кўриб-билиб у ҳақда лом-мим демасликни ўзимга эпп билмадим.

Ўтган йилнинг июнь ойида Чирочида бўлганимда худди шундай битирувчилар кечаси ҳақида эшитиб, ҳайратдан ёқа ушладим. Тўғриси, ачиндим ҳам. Чунки...

Қишлоғимизнинг юқори синф ўқувчилари бирикки йил аввалданоқ ўзаро пул йиғиб, битириш кечаси учун буқа ёки уч-тўрт бош қўй-қўзи харид қилишаркан. Йил давомида тез-тез маблағ

тўплаб, ем ҳам сотиб олишармиш. Албатта, синфдошлардан бири бу жонлиқни боқилишни ўз зиммасига оларкан. Пул ишлаб топса яхши. Афсуски, аксарият ёшлар ота-онасидан қўярда-қўймай пул талаб қилишади.

Қишлоқлик дўстларим билан шундай кечалардан бирининг устидан чиқиб қолдик. Бу ҳақда ёзишни кўпдан ният қилганим боис, шовқин-суронли мусиқа таралаётган жойга яқинлашдим. Ёритгичлар ўрнатилган, томорқанинг катта қисми гиламлар билан ўралган. Биргина битирувчилар эмас, ўқитувчилар, ота-оналар, ҳатто воёга етмаган болалар фик-ғиж. Каттаю-кичик шу ерда.

Отарчиларнинг мазмун-

моҳиятсиз ашулаларидан сўнг, навбат табрик сўзларига берилди. Хуллас, бу тантана худди тўйдек ўтди.

Ахир, бу тўқликка шўхлик эмасми? Буни қандай баҳолаш мумкин? Мактаб жамоаси, маҳалла ёки ота-оналар қаерга қараяпти?

Яқинда пойтахтдаги уйимга қўшни қишлоқда жойлашган Ибн Сино номли мактаб ўқитувчиси Собир ака келганди. Гурунгимиз давомида гап айланиб, қишлоқда нишонланаётган яна ўша битирувчилар кечасига тақалди.

-- Нимасини айтасиз, бугунги ёшларнинг ҳаммасидан ҳам қувончмаймиз, -- дейди Собир ака.

-- Мен ҳам ўтган йили битирувчилар таклиф қилган йиғилишга боровдим. Беш-олти нафар ҳамкасбларим ҳам бор экан. Дастурхонда тайинли ноз-неъмат йўғу, лекин одам бошига биттадан вино, ҳар-ҳар жойда ароқ териб қўйилган. Битирувчи болалар: "Олинг, ичинг домла, биз ҳам мактабни битирдик", деб мени ҳам қисташди. Қиз, ўғил аралаш ўтиришган. Бизнинг гапимизни тинглайдиган кам...

Ҳа, домланинг гапи рост. Асли битириш кечалари зарурми? Агар уни ўтказиш зарурати бўлса, мактабда, яъни маърифат масканида, кўпмакундуз кунли спиртли ичимликларсиз ўтказиб бўлмай-дими?

Эркин ЭСИРГАДИЕВ, журналист

“МУНДАЙРОҚ”

Сухбатдошим Отабек мактаблардан бирининг 10-синфини тугатмоқда.

— Отабек, ўқишлар қалай?

— Тўғриси айтсам, ўқишим билан мактабга оламан. Чунки баҳо дафтаримни яхши баҳолар қатори “семиз-семиз” “3” лар ҳам безаб турибди. Фанлардан кўпроқ физикага қизиқаман. Шунинг учун, худо хоҳласа, келаси йили физика факультетига ўқишга киришга уриниб кўрмоқчиман.

— Яна қандай қизиқишларинг бор? Умуман, бўш вақтингда нималар билан шуғулланасан?

— Ҳамма ўғил болалар қатори кўпроқ техниккага, “темир-терсак”ка қизиқаман. Радио, магнитофон каби-ларни, кейин денди, тетрисга ўхшаган ўйин жиҳозларини “кавлаш”ни яхши кўраман. Бўш вақтим эса деярли йўқ. Чунки шаҳарга туташ далада ижара еримиз бор. Уша ерда деҳқончилик қиламиз.

— Охири пайтларда ўқувчилар дарсларга қизиқмай

қўйишяпти. Мактабдан безиб қолишяпти. Нима учун?

— Ўқувчи сифатида фикр билдирадиган бўлсам, бунинг сабаби, биринчидан, дарслар зерикарли. Синфга киргач, “қачон кўнгирик бўлади-ю, ўқитувчининг чакаги ўчиб, қачон рухсат бераркин”, деб турамиз. Ўқитувчиларнинг кўпи дарсни номигагина ўтишади. Шунинг учун машғулотлар бир хил қолибда олиб борилади. Иккинчидан, дарслар тушунарсиз ўтилади. Баъзи бир мавзу ҳақида соатлаб гапиришади. Аммо битта сўз ҳам ёдингизда қолмайди.

— Нима учун?

ЎҚУВЧИНИНГ

-- Чунки ўқитувчилар ўқувчининг савиясини ҳисобга олишмайди. Худди олим билан гаплашаётгандек дарс ўтишади. Кейин баъзида шунақанги тушунарсиз терминларни ишлатишадики, маъносини ҳатто ўзлари ҳам билишмайди.

Бу йил мен ўрта мактабни тамомлайман. Орзу ва ҳаяжонларим чексиз. Бир томонда мустақил ҳаёт оstonасидаги ширин ўй ва энтиқишлар миямни чулға олган, иккинчи томондан болаликдан ҳавас қилаётган кас-бим -- таржимонликни эгаллаш учун пойтахтдаги Жаҳон тиллари олийгоҳи талабаси бўлиш илнжим тўлқинлантиради. Шу мақсадда сизга мактуб йўлламоқдаманки, эшитишимча, бу йилги тест синовларига Давлат тест маркази томонидан тайёрланган "Ахборотнома --

МЕНГА

98" билан бирга унинг 1996 ва 1997 йиллардаги чиқарилган тўпламларидан ҳам саволлар тушар экан. Мен бу йилги "Ахборотнома" саволларини астойдил ечиб юрибман. Аммо аввалгиларини ўзимиздан топишнинг иложини қилолмадим. Шу хусусда менга йўл-йўриқ кўрсатсангиз.

Кириш имтиҳонларининг тест усулида ўткази-

КЎРСАТИНГ...

лиши биз учун катта имконият ва қулайлик туғдирганини эътироф этган ҳолда, хусусан тил бўйича ўтказиладиган синовларда талаффузнинг аҳамияти қолмаганини айтмоқчи эдим. Балки менинг фикрим унчалик ҳам эътиборга молик эмасдир. Лекин мутахассислар ва масъул ходимлар бу ҳақда ўйлаб кўрсалар айни муддао бўлар эди.

Сизга чуқур эҳтиром ила

Шавкат
МУСТАФОЕВ,
Урганч шаҳри

Вақт ҳамиша ўз ҳукмини ўтказиб келган. Ҳамма нарсанинг сўнгги бўлганидек, мактаб битирувчилари учун ҳам ажралиш онлари етди. Ҳадемай кўнғироқ жаранглайди-ю, мактабдаги ҳаётимизга якун ясалади...

Ҳаёт шунчалар тез ўтишини ким билибди, дейсиз. Биринчи синфга қадам қўяётганим кечагидек эсимда. Ўшанда ўн йил жуда-жуда узоқ вақтдек туюлганди. Мактабдаги жўшқин ҳаёт эса худди ширин туш каби кўз очиб юмгунимча ўтиб кет-

соғинамиз, ўқитувчиларимизнинг пурҳикмат сўзлари бутун умримиз давомида асқотади.

Азиз синфдош! Биз сен билан мустақил Ўзбекистон келажагини қурувчи инсонлармиз. Даврлар келиб, юртимиз севган ва таниган инсонлар бўлиб етишармиз. Бироқ у кунга етгунга қадар ҳаётнинг кўчирмақашлик қилиб бўлмайдиган имтиҳонларидан ўтиш керак, албатта...

Мактабни тугатиш ҳақида ўйла-

СЎНГГИ КЎНҒИРОҚ

ди.


Бугун биз шаҳар кўчаси каби сершовқин ҳаёт оstonасида турибмиз. Манзилимиз йўллари эса хилма-хилдир. Биз ҳар қанча интиқиб кутмайлик, ҳаёт деб аталмиш дарсда қирқ беш дақиқа эмас, балки инсон умри давом этади. Йил кетидан йил қувиб ўтгани сайин инсон болаликни қўмсайверади, улғайгани сайин эса ортга -- беғуборликка қайтгинг келади.

Гоҳида ҳаёт ташвишларидан чарчаб, ўйга толганингда кўз олдинга жўшқин мактаб ҳаёти, дарслардаги шўхликлар, қувноқ синфдошларинг, устозларинг келади-ю, кўнгил бир оз таскин топади. Баъзан биз устозлардан ранжисак-да, вақти келиб уларнинг қойишларини ҳам

япман-у, кўзларимга ёш тўлаяпти. Ахир, болаликдан бирга ўсган, ўйинқароқ синфдошлар давраси, оналаримиздек меҳрибон устозлар, яна шу кунларни эслатиб турувчи синфхоналарни ташлаб кетиш осонми?!

Ҳадемай кўнғироқ чалинади-ю, мактабдаги ҳаётимизга якун ясалади. Ҳаммамиз ҳаётнинг турли кўчаларига кириб кетамиз. Гарчи бизларни вақтинчалик масофалар ажратиб турса-да, биз сен билан ҳамиша бирга бўламиз. Ҳозирча эса хайр, синфдош!

Ирода АСИЛБЕКОВА,
А.Навоий номидаги
Нафис-санъат лицейи
битирувчиси



СИНФДОШЛА

Мактаб. Телбаликни яхши кўрардим,
Балоғат бекатин бекликлариди,
Маликадай эдим, дилозор, дилбар.
Ранжиб йигитларнинг шўхликларидан,
Ёмон уришардим кўхликларини,
Ҳатто ғазабимдан сачратиб анбар...

Ўшанда Ўн етти ёшли Дунёнинг
Ўн етти ёшдаги нозли санами
Мен эдим-қахрли, эрка ва бебош.
Гўё Ўн еттида бордай алашим,
Чимрилиб боқардим сенга синфдош,
Билмадим, не эди сендан талабим...

Билганим: сен мени яхши кўрардинг,
Эркалаб ҳаёлиниг ардоғлариди.
Чинорлар остида ўйлар сурардинг,
Авайлаб кўзининг қароғлариди.
Фақат... Жаҳлим ёмон эди, билардинг,
Чидардинг Ишқимнинг фироғларига.

Ёдимда, бир кун... бир юрак ютиб,
Айтсанг, юрагининг изҳорларини,
Юзингга тарсаки тортиб юбордим,
Хазонлаб кўксининг баҳорларини.
Жим чидаб турдинг-а, мунгли ва сокин,
Кўрсатмай кўзининг анҳорларини...

Қанча сувар оқди ўшандан бўён,
Неча бор гуллади боғда олмучча.
Қанча йўллар босдик чексиз, бепой,
Неча бор тўкилди дув-дув довулча.
Фақат Ўн еттига қайта олмадик...
Йиллар Армон солиб кетди ҳовучча.

... Мактаб. Телбаликни яхши кўрардим,
Севардим шўх-шодон ўйинларини.
О, қайдан билибман у вақт Дунёнинг
Телба ўйин тўла қўйинларини.
Бугун Фами билан телба бўлдим Мен,
Кучолмай Қувончининг бўйинларини.

Синфдош, юзингга тарсаки урсам,
Нега қайтармовдинг жавобларини?
Жимгина гуноҳни юклатиб менга,
Ўзинг олганмидинг савобларини?
Мана, бугун Ҳаёт тарсақларини
Менам жим чекяпман азобларини,
Синфдош...

ШАМСИЯ,
Сурхондариё

Кейин машғулотлар вақтида ўтирмайди. Бир ўқитувчи дарсга икки марта кетма-кет келмаса, учинчисидан бошлаб биз келмаймиз. Чунки дарсни "унутиб" қўямиз. Спортчасига айтсак "формадан чиқиб кетамиз".

— Ёзги таътилда нима қилмоқчисан?

-- Таътилим далада ўтса керак.

— Сенинг қандай орзуларинг бор?

-- Ҳозирча иккита "жиддийроқ" орзуим бор. Ўтган йили компьютер марказида ўқиб, унда ишлашни ўрганган эдим. Биринчи орзуим ўз компьютеримга эга бўлиш. Иккинчиси физика факультетига ўқишга кириб, малакали мутахассис бўлиш.

Отабек (у бизга яна мактабда бир йил ўқишим керак, нима бўлганда ҳам тўлиқ манзилимни ёзмамлар деб шарт қўйди) билан биринчи суҳбат бошлага-

АЙТГАНЛАРИ

нимизда уни "мундайроқ" ўқувчи деб тан олган эдик. Аммо унинг атрофдагилар ҳақидаги фикри нафақат бизни, бизни ҳам ташвишлантирса керак.

Ўқувчи нега мактабдан безди?

Жавобларинингизни кутамиз азиз муштарий.

"Туркистон" муҳбири
Шерзод САЙДАЛИЕВ
суҳбатлашди

ЖАВОБИНИ КЎШЛАМАН

Муҳаббат ҳақидаги киноларни ўн марта кўрсак, ўн кун йиғлаб юрадиган даврларимиз. Севги фақат киноларда бўлади деб ўйлаганимиз учунми, севиш-севилишнинг гуноҳ ҳисоблардик.

Бир кун математика дарсида навбатдаги масалани ечгани ўқитувчи мени чақирди. Доскага яқинлашиб қолганимда китоб орасидан чиройли хатжилд сирғалиб тушиб кетди. Ерда ётган хатни қўлимга олиб қарасам устида ҳеч қандай ёзув йўқ. Ўқитувчи опамиз ҳам ёшлигида бундай мактубларни кўп олганми, менинг ҳолатимни тушуниб: "Ие, масаланинг жавоби топилиб қолди-ку, бундан кейин доскага масаланинг ечими билан чиқманг, бизга унинг туб моҳияти керак" дея ўтиринг ишорасини қилди. Оёқларим чалишиб қандай қилиб жойимга ўтириб қолганимни сезмай қолдим. Ҳамманинг фикру ҳаёли танаффусда. Биламан, агар танаффус бўлса ҳаммаси бошланади. Нима экан, вой бу намунча, кимдан? Ҳатто шўх болалар бир пастда

"ёр-ёр" айтиб тўйни ҳам бошлаб юборишади.

Дарс охирида қолганида бириш қилдим. Ўқитувчидан яширин имо билан рухсат олгач секингина синф хонасидан чиқиб кетдим. Йўлда кетаяпману икки юзим ловуллаб ёнардим. Сабрим уйғача етмай, ярим йўлда хатни очиб ўқидим. Эсимда, унда ушбу сўзлар ёзилганди.

"... Сиз мени ҳатто бу оламда борлигимни ҳам билмайсиз. Менинг қарашларимни кўрмайсиз, пайқамайсиз. Ҳар кун эшигингиз ёнидан умидсиз қайтаман. Сизга рўпара келганда эса ҳамма гапларим унутилади. Сиз бошқача қизсиз. Фурур билан ташлаётган қадамларингиздан-да, жасорат ила яшашни ўрганса бўлади. Ўзингизга айтолмаган сўзларимни қоғозга туширдим. Мен сизни.....! Жавобини интизорлик билан кутаман" дея нуқта қўйилганди ушбу мактуб охирига.

Ўша кун мен уни юз марта, йўқ, йўқ минг марта ўқидим. Ҳатто қайси китобни очиб ўқисам унинг қаторларида ўша сўзлар, ким билан гаплашсам, унинг кўзларида ўша сўзлар ку-

либ тургандек бўлаверарди.

Шундан кейин ҳам мен сиздан жуда кўп жавобсиз мактублар олдим. Балки яхши қилгандирман, балки ёмон. Сиз билмайсиз. У кунлар мен гоҳ Лайли бўлиб, гоҳ Кумуш бўлиб яшардим. Тунларим кундай ёруғ эди. Сархуш ҳаволар худди сиз бўлиб мени эркаларди. Фақат мен сизни ҳеч кимга кўрсатишни, кўз-кўз қилишни хоҳламасдим. Кундуз юрагимга яшириб, тунда яна уйғотардим. Ўзим тўқиган эртақларга ўзимни ишонтирардим. Ҳаёлан сизга энг бокира туйғуларимни ҳаёда этардим.

Бугун, бугун оёқларим чалишмайди. Қаерда йиқилишим ва қаерга кулаб кетишимни яхши биламан.

Бугун, бугун ҳаёт ҳар кун мендан ўз жавобини олади. У уялмайди, қаршимда титраб қақшамайди.

Бугун мен ўзим сизнинг қошингизда сўнгги кўнғироқ бўлиб жаранглайман.

Э, ўша кўнғироқ, биринчи севи,
Эшик ортидаги гўзал нигоҳлар.
Китоб қатларига сизмаган орзу,
Тонлардек ёришиб ёнган дуодлар.
Қалбимни минг бора айланса ҳамки,
Синфдош сиримни билолмас, эй воҳ.
Бугун жарангломас ёруғ йўлларда,
Сўнгги кўнғироққа айланган гуноҳ.

НИГОРА ЙЎЛДОШЕВА,
Фарғона

ҲАЯЖОНЛИ КУНЛАР ЯҚИН

Жаҳон биринчилигига санокли кунлар қолди. Дунёнинг 32 кучли терма жамоалари 8 гуруҳга бўлиниб, ўз рақибларини ҳар томонлама ўрганишга диққат-эътиборларини сарфлаган пайтларида, биз ҳам улар ҳақидаги айрим мулоҳазаларимизни сиз билан баҳам кўрайлик. Олти ой олдин Франциянинг Марсель шаҳрида ўтказилган қуръа натижалари Бразилия ва Аргентина каби жамоаларнинг оsonликча иккинчи босқичга йўл олишини башорат қилаётган бўлса, Англия, Болгария ва АҚШ терма жамоалари учун қайтиш чипталарини эртaroқ олсалар ҳам бўлавериши мумкинлигини кўрсатди.

А гуруҳи: Бразилия терма жамоаси рақиблари Шотландия, Марокаш ва Норвегиядан унча чўчиётгани йўқ. Сабаби, ўтган биринчилик совриндорларининг рақиблари орасидан фақат Марокашгина бир бор иккинчи босқичга чиқишга муваффақ бўлган. У ҳам роса 14 йил аввал. Шотландия етти бор биринчиликда қатнашган бўлса-да, хали бирор марта ўз гуруҳидан чиқишга эришган эмас. Норвегияликлар эса атиги учинчи мартагина биринчиликда иштирок этишмоқда. Демак, Рональднинг жамоасига йўл очик.

В гуруҳи: 1994 йилги кумуш медаль соҳиби бўлган Италия гарчи қўшимча ўйин орқалигина зўрга Францияга ташриф буюрган бўлса-да, энди айтарли қийинчиликка учрамайди. Улар Чили, Камерун, Австралиягагина қарши тўп суришади. Нима, Камерун хавфли эмасми, дерсиз. Йўқ. Бугунги терма жамоа 1990 йилги чорак финалнинг сояси холос. Чили Жанубий Американинг энг бўш жамоаси, Австралия эса 1954 йилдан бери мана энди ilk бор катта майдонда тўп суради.

С гуруҳи: Францияликлар учун ўз ўйи-ўлан тўшагида Жанубий Африка, Саудия Арабистони ва Дания каби Катта жамоаларни ҳам енгиш мушкул эмасдир-ов. Лекин Жанубий Америкаликлар Африка Миллий Кубоги эгаси сифатида мезбонлар раҳбари Элле Жакенинг юрагига жиддий гулгула солаётгани рост.

Данияликлар, ҳатто таркибларида Брайн Лаудрун бўлишига қарамай, бугун-

нинг энг бўш жамоаларидан бири.

Д гуруҳи: Бу ростдан ҳам энг кучли, таъбир жоиз бўлса -- даҳшатли гуруҳ. Унда бугунги тўрт улкан терма жамоалар йиғилишган. Болгария 1994 йилги ярим финал Нигерия -- олимпия ўйинларининг олтин медали соҳиби. Испания ва Парагвай ҳам энди кучланиб бораётган вулқон. Мутахассислар барча мўъжизани шу гуруҳдан кутамиз деб, бор умидларини Болгария ва Нигерия учрашувига қаратишмоқда.

Е гуруҳи: Голландия ва Белгиянинг географик жиҳатидан ёнма-ён жойлашгани етмагандек, жаҳон биринчилиги қуръасига кўра ҳам бир гуруҳдан жой олишди.

АҚШдаги 1994 йилги мусобақада Белгия Голландлар устидан 1:0 ҳисобида голиб чиққан эди. Навбат Голландияга, ўч олиш муҳлати етган кўринади.

Ғ гуруҳи: Германия ва Югославия бемалол иккинчи босқичга йўл олишса керак. На АҚШ ва на Эрон уларга мос рақиб эмас. АҚШ ўзи мезбон эканлигида бир бор иккинчи босқичга чиқиб, Бразилиядан 1:0 ҳисобида мағлубиятга учраган эди. Энди Германия билан юзлашади. Оқибати нима бўларкин?

Эрон сўнгги дақиқалардагина Францияга илиниб олди. Бу унинг ҳали юқори ўринлар томон интилишига бироз вақт борлигидан далolat беради.

Г гуруҳи: Англия агар иккинчи босқичга чиқишни хоҳласа, Руминия ва Колумбиядек жамоалардан устун келиши керак. Африка Миллий Кубоги финалчиси Тунис ҳам ҳазилакам жамоа эмас. Руминия мавжуд 32 жамоанинг энг зўри, сабаби саралаш ўйинларида 9 ғалаба ва бир дурангга эришган ҳолда 1994 йилгидан кўра ҳозир зўрроқлигини намoён этди. Колумбия 1994 йил дастлабки босқичда енгилган бўлса-да, энди Эскобар йўқ, вафот этган. Бу гал аввалги ҳол такрорланмаса керак.

Н гуруҳи: 12 бор жаҳон биринчилигида иштирок этган фахрий Аргентина жамоаси учта янги жамоага дарс берадиган кўринади. На Ямайка, на Япония ва на Хорватия аввал бундай шарафга эришмаган эди. Бугуруҳда Хорватиянинг имконияти ёмонмас, Алан Бокшич, Алан Шукер ва Роберт Просинечки майдонда рақибларни роса довдиратади. Бу турган гап!

Биринчи лига вакиллари ҳам кубок курашларини якунлаб, миллий чемпионатнинг 11-тур учрашувларини ўтказди. 10-турга бош эгмай келаётган Сирдарё вилоятининг яккаю ёлғиз “эркатойи” “Янг-гир”

бу сарф а р “Шахрихон” майдонидан мезбонларга

“қўл беришди” -- 1:1. Гарчи пешқадамни бу унча хавотирга солмасда (чунки унинг изқуварлари “Кимёгар” ва “Самарқанд” да 24 очко бор, фарқ 7 очко), шахрихонликлар учун катта обрў келтирди.

Чирчиқликлар эса лиганинг “ўртамиёна” жамоаси

бўлган Фарғонанинг “Тўқимачи”сини қабул қилиб, нақ олтига жавобсиз тўп билан “сийлади”. Бу ҳисоб ўз-ўзидан “Кимёгар”нинг тўплар нисбатига кўз ташлашимизни “талаб қилади” -- 27-3.

Ҳақиқатан ҳам мазкур жамоа энг яхши тўплар нисбатига эга. “Самарқанд” эса айнан шу ҳисоб тўплари (тўплар нисбати), гарчи очколар тенг бўлса-да, “Кимёгар”дан кейинги ўринда “туришга” мажбур. Самарқандликлар мазкур турда “Орол”нинг меҳмони бўлиб, 1:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Қолган учрашувлар натижаси қуйидагича:

“Хива” -- “Қизилқум” - 1:0
“Урганч” -- “Мангʻал” - 1:4
“Шўрчи” -- “Истиқлол” - 4:1
“Шўртан” -- “Лочин” - 7:2
“Роҳат” -- “Атласчи” - 0:0
“Ситора” -- “Чилонзор” - 5:2
“Цементчи” -- “Гулистон” - 4:0



13-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. “Янг-гир”	11	10	1	0	33-2	31
2. “Кимёгар”	11	7	3	1	27-3	24
3. “Самарқанд”	11	7	3	1	22-10	24
4. “Шўрчи”	11	7	2	2	21-9	23
5. “Шахрихон”	11	6	3	2	19-11	21
6. “Шўртан”	11	6	2	3	25-15	20
7. “Хива”	11	6	2	3	14-8	20
8. “Ситора”	11	6	0	5	18-20	18
9. “Мангʻал”	11	5	1	5	23-16	16
10. “Истиқлол”	11	5	1	5	17-18	16
11. “Қизилқум”	11	5	0	6	14-11	15
12. “Цементчи”	11	4	2	5	18-21	14
13. “Тўқимачи”	11	4	2	5	15-23	14
14. “Урганч”	11	3	2	6	13-20	11
15. “Роҳат”	11	3	2	6	13-20	11
16. “Орол”	11	3	2	6	11-20	11
17. “Лочин”	11	3	1	7	13-26	10
18. “Атласчи”	11	2	1	8	11-32	7
19. “Чилонзор”	11	1	1	9	10-29	4
20. “Гулистон”	11	1	1	9	5-32	4

Қизилқум

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН

“Манчестер Юнайтед” ниҳоят “Эйндховен” ҳимоячиси Яап Стамни сотиб олишни уддалади. Ўтган йили Голландия чемпиони ўз нарҳини 50 миллион гулден деб баҳолаганди. Аммо

кейинчалик у шу пулнинг учдан биридан кечиб, 35 миллион гулден (17 миллион доллар)га розилигини айтди. Бу ҳимоячилар тарихидаги рекорд кўрсаткичи.

(Давоми. Аввали 3-бетда)

Нажим ўн тўрт ёшли қизнинг номусига тегди. Дилбар бу сафар эрининг мушуклай қимтиниб гап бошлаётганидан ҳайрон эди-я. Энди у қизга уйланиб, уч-тўрт ой ичкўёв бўлиши шарт. Акс ҳолда қамалади. Табиийки, бу “хабар”дан Дилбарнинг жаҳли чиқди. “Қўрққан олдин мушт кўтарар”, деганларидек, Нажим бир зумда аввалги қиёфасига қайтди, яъни ушбу никоҳга розилик хати ёзиб беришини сўраб, бўғзига пичоқ тиради...

Аёлнинг оху-ноласи Худоба етими, Нажим безорилик қилиб, бировнинг танасига шикаст етказиб, саккиз йилга қамалиб кетди. Хотини болаларини олиб отасиникига кетди. Боғчага ишга кириб, рўзгорини тебратди. Олти ярим йил деганда эри шўппайиб кириб келди.

“Қамоқхонадан қайтганга баттар ниҳиж бўлиб қайтди. Эҳ, ўтаётган кунларим

ҳақида ёзишнинг ўзи қанчалик оғир. У жиноят қилиб қамалиб келган бўлса-да, барибир жиноятини давом эттирмоқда. Мени тинмай азоблайди. Бу-чи, инсонга қасд қилиш эмасми? Сизлардан илтимос, унинг хулқи билан жиддий шуғулланиб, менга ёрдам берсангизлар”. Имзо.

Бешинчи, олтинчи, еттинчи мактуб... Ўнинчи мактуб.

ОСТИДАГИ

Ҳаммасида бир аёлнинг изтироби, бирор кимсага ёрилиб, айтолмаган ҳасрати, эрининг инсофга келиб қолишига умид боғлаб, тўртта фарзандга она бўлди. Лекин болалар ҳам эрхотин ўртасига муносиб кўприк бўла олмадилар.

Мана, яқиндагина оламдан кўз юмди. Кўзлари очик кетди. Дилбарнинг хатларидан маълум бўлдики, у яшашдан тўйган эди. Бироқ тўрт гўдагидан орзу-ҳавас кўришгача етиб бормади. Шифохонада жони талвасада-ю, болалари,

тақдиридан эзилди. Ҳа, онанинг қайғурганича бор эди. Ўғил-қизлари энди кимнинг қўлида қолди? Бир баттол одамнинг қўлида! Борди-ю,

ЁСТИҚ

“Оила — муқаддас даргоҳ”
танловига

фарзандлари ота-онаси билан яшаб, улғайса-да “отанг ана-ву киши” деб ишора қилишганида ор-номусдан ерга киргудай ҳолга тушмасмикин улар?

Бу воқеа мисоли эртақ, ишонганлардан ишонмаганлар кўп. Қани энди шундай бўлса! Аммо, таассуфки, воқеа аини ҳақиқат эди. Фақат биз айрим ҳолатларни эътиборга олиб, “қаҳрамон”ларнинг исларини ўзгартирдик. Балки, Дилбарнинг отаси зор-зор йиғлаб келмаганида, ўз айбини тан олиб, бошқаларни

огоҳлантиришга аҳд қилмаганида қачондир воқеанинг тафсилотини эшитиб, биз ҳам ишонмаган бўлардик. Балки, бу кўргуликларга фақат қаҳри қаттиқ, виждонсиз, имонсиз Нажимнинг ўзинигина айбдор, деб топиб, тавқи-лаънатимизни ўқиш билан кифояланардик.

Бизнинг ўзбек миллатига

ХАТЛАР

хос удумлар, одоб-ахлоқ меъёрлари бир-бирдан гўзал ва ибратли. Қайси эркак оиласига садоқатли, меҳрли бўлса, эркакларнинг сараси ўша. Қайси аёл сабр-қаноатли, ҳаёли, ибодли экан, у ҳаётда бахту тахтини топа олади. Лекин бунинг учун асосий омил турмушда ўзига муносиб ҳамроҳ топиш зарур.

Отасининг айтишича, Дилбар қизларининг ичида энг барноси бўлган экан. Хўп, улар-ку кўзларини парда босиб номаъқул йиғитга узатишган экан, Дилбар-чи, Нажим-

нинг хулқ-атворини наҳот йиғирма йилгача “ҳазм” қилди? Дилбар нега бу арзномаларни керакли жойларга топширмади? Ҳамманинг жони ўзига ширин бўлганидек, нари борса Нажим “бефаросат, уйнинг сирини кўчага олиб чиқадиган” хотиндан возкечарди. Кексаларни авраб, Нажимни кўкка кўтариб мақтаган, унашиб қўйилган қизнинг фотиҳасини бузиб, ўз улфатида олиб беришнинг улдасидан чиққанлар Нажимнинг хурмача қилиқлари-ю, Дилбарнинг аянчли аҳволдан мутлақо беҳабармидилар? Бирор марта “оиланг тинчми” деб сўрашга ярадиларми? Йўқ, лоақал Дилбарнинг дафн маросимига қатнашиш тугул, фотиҳага ҳам келишмади. Ҳижолатдан деб уйлайсизми? Йўқ, диёнатсизликдан.

Начора, биз марҳумага охирати - ободлик, яқинларига ҳамдардлик билдиришга қодирмиз, холос.

Зоҳидахон КЕНЖАЕВА,
“Туркистон” мухбири

ДУШАНБА, 25

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Тахлилнома».

8.30 Лирик тароналар.
8.50 «Узлик». Бадий-публицистик кўрсатув.
9.15 «Ургимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — **Видеобюро**.
10.05 «Жаҳон спорти».
10.15 Кино янгиликлари.
10.30 Кундузги сеанс. «Мария, Мирабелла Трансформацияда». Бадий фильм.
11.40 «Жарасин».
12.05 Ўзбекистон телерадиоканпаниyasi дуторчилар ансамблининг концерти.
12.30—14.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Насфтичи» (Фаргона) — «Навбахор» (Наманган).

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Сўнгги кўнгирик».
18.30 «Теннис-клуб».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Ислохот ва инвестиция».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — **Эълонлар**.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Истиқлолим, сени куйлайман». Мусикий дастур.
21.30 «Бевосита мулоқот».
22.10 М. Бобоев «Кўнгил кўчалари». Видеofilm. 4-кўй.
22.50 Эркин ва юнон-рим кураши бўйича Ўзбекистон мустақиллиги кубоги.
23.20 «Ахборот».
23.45—23.50 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ериштош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузашт-лар давомида». Телесериал.
19.00 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.15 Мусикий лавҳалар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — **Эълонлар**.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Туризм ҳақида.
20.20 «ДЭНС». Жаҳон рақслари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хайр, мактаб!».
21.10 «Олтин мерос».
21.35 Экранда премьераси. «Саҳрон кабир сири». Телесериал.
22.25 «Даракчи» (рус тилида).
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 «Еш Индиана Жонс хроникаси». Телесериал.
23.25 — 23.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III
17.15 Янгиликлар.
20.40 «Долзарб репортаж».

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35

21.35 **Эълонлар**.
21.40 «Дунёқараш». Тележурнал.
22.00 — 22.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**.

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультимоша».
19.05, 21.50 — **Эълонлар**.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Дилар».
«Рангинкамон».
20.55 Мусикий танлафус.
21.00 «Умр баҳор».
21.20 «Спорт-тайм».
21.55 Кинематограф «Тўғри сўзнинг тўқмоғи».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 26

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектеlevision» намоиш этиди: «Қўшиғимда яшар муҳаббат».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Ургимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — **Янгиликлар**.

10.05 Инглиз тили.
10.35 «Олам ва одам».
10.55 Болалар учун. «Гулгунчалар».
11.15 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
11.30 Ўзбек куйларидан концерт.
12.05 «Турон тулпорлари». Спорт дастури.
12.25—14.00 Кундузги сеанс. «Мудҳиш хато». Бадий фильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?».
18.35 «Хунарданд». Тележурнал.
18.50 «Шеър ва шуур».
19.00 «Мулдор».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — **Эълонлар**.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хамкорлик истиқболлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос». Н. Аҳмедова.
21.30 «Акс-сало».
22.00 «Сехри шўъла». Кинокурсов.
22.20 «Дияр». Тележурнал.
23.20 «Ахборот».
23.45—23.50 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ериштош». Мульттўплам.
18.35 Еввойи ҳайвонот олами.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — **Эълонлар**.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Очун».
20.20 Шарқ эстрадаси.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сўнгги кўнгирик».
21.10 «Саҳрон кабир сири». Телесериал.
22.00 «Даракчи».

22.10 Спорт китъаси.
22.40 «Кундалик».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Кинонигоҳ.
00.10 — 00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
20.40 «Хусусийлаштириш: қалам-бақалам».

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35

21.35 **Эълонлар**.
21.40 «Умр дафтари».
22.10 «Қора лола». Бадий фильм (Франция).
23.50 — 00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**.

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультимоша».
19.05 «Сен ҳақинда ва сен учун».
19.20 «Тасвир-98».
19.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.55, 21.50 — **Эълонлар**.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 Мусикий лавҳа.
20.50 «Медицина — сизлар учун».
21.15 Мусикий лавҳа.
21.20 Телефакт.
21.30 Хит-коллекция.
21.55 «Кувноқ кино».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 27

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Гулшан дийрми». Мусикий дастур.
8.55 «Бутуннинг ўйлари».
9.10 «Ургимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — **Янгиликлар**.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 Алифбо сабоқлари.
10.55 Болалар учун. «Кичикинтоймиз — гижинтоймиз».
11.15 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
11.30 «Акс-сало».
12.05 «Ҳаёт чашмалари».
12.30 «Чемпион билан учрашув».
12.45 Кундузги сеанс. «Бембининг болалиги». Бадий фильм.
14.10—14.30 «Матрифат маскани».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Асрлар навоси». Мусикий дастур.
19.05 «Химмат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 — **Эълонлар**.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Бир жуфт кўшиқ.
21.30 «Сиеат оламида».
21.55 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеofilm. 3-кўй.
22.35 «Ахборот».
23.00 **«Ёшлар» телеканали**
1. «Сиз ва биз».
2. «Оқибат».
3. «Ёшлар ва эстрада».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «XX аср жинойтлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этиди...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — **Эълонлар**.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Толънома».
20.15 «Кўл жанги санъати».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сўнгги кўнгирик».
21.10 «Хонадон».
21.30 «Саҳрон кабир сири». Телесериал.
22.20 «Даракчи».
22.30 «Нигоҳ».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Экранда — детектив.
00.05 — 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III
16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртақнамо чоршанба». Кинокурсов.

21.50 «Қўқонди латиф ёлғорликлари». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.35

22.35 **Эълонлар**.
22.40 «Биз қандай дам оляимиз?».
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультимоша».
19.05, 21.35 — **Эълонлар**.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 Мусикий дақиқалар.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Азизим».
20.55 «Автосалтанат».
21.05 «Дурларшан».
21.40 «Олтин хазина».
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 28

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Наво таралсин». Мусикий дастур.
9.00 «Боқира туйғулар».
9.15 «Ургимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — **Янгиликлар**.

10.05 «Жаҳоирлар бўстони». Адабий курсатув.
10.30 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
11.20 «Ғаройиб ов». Мультфильм.
11.30 «Ажаб саодат эрур...». Бадий-публицистик курсатув.
12.05 Болалар учун. «Еш куч».
12.20 Кундузги сеанс. «Сўнгги пушаймон». Бадий фильм.
13.35—14.00 «Кетмас давлат берсин».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Дона бобо даврасида».
18.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.45 «Хайрат». Бадий-публицистик курсатув.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.05 — **Эълонлар**.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги. «Эстрада кўшиқлари телестанови». Экранда — Сирларё вилоти.

22.25 «Туркий қавмлар».
22.40 «Одамлар орасида».
23.05 «Ахборот».
23.30 «Сомон йўли» маърифий-дунёвий курсатувлар мажмуаси.
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.55 «Бўш ўтирма».
19.15 «Дилнавоз садолар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — **Эълонлар**.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт кўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сўнгги кўнгирик».
21.10 «Сир».
21.25 «Одобонома».
21.35 «Даракчи» (рус тилида).
21.45 Оҳанглар ва эълонлар.
21.50 Ойлавий экран.
23.15 — 23.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III
17.15 Янгиликлар.
20.40 «Юлдузлар мангу ёнади».

21.35 **Эълонлар**.
21.40 «Билиб қўйки, сени Ватан кутади». Публицистик курсатув.
22.00 — 22.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультимоша».
19.05 «ТВ-ташир».
19.25 «Минг бир маслаҳат».
19.35 «Дўстим ҳақида».
19.50 Клип.
19.55, 21.25 — **Эълонлар**.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ракурс». Бадий-публицистик курсатув.
21.15 «Каталог».
21.30 «Киносалон».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 29

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Дилнавоз садолар». Мусикий дастур.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Ургимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 17.40 — **Янгиликлар**.
10.05 «Талаб ва тақлиф».
10.30 Немис тили.
11.00 «Меҳр макони».
11.20 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».
11.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
12.05 «Халқ ижодиети».
12.30 Кундузги сеанс. «Жабранувиҳларнинг даввоси йўқ». Бадий фильм.
14.10—14.30 «Қишлоқ ҳаёти».

17.35 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Пахтакор». «Узқинохроника» премьераси.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Пахтакор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши). Танлафус пайтида — «Омонлик тайлими».
19.50 «Ахборот» (рус тилида).
20.25, 20.55, 22.10 — **Эълонлар**.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Халқ ҳофизлари куйлайди.
22.15 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеofilm. 6-кўй.
22.55 «Битик».
23.15 «Ойла». Тележурнал.
23.45 «Ахборот».

«Мулаваар дунё» дам олиш дастури
00.10 «Азиз сиймолар».
00.30 Бадий фильм.
01.50—01.55 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бутуннинг боласи».
18.35 «XX асрнинг улғу жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хусусийлаштириш: қалам-бақалам».
19.25 «Енмаган ёзувлар».
19.45, 20.10, 20.25, 20.55 — **Эълонлар**.
19.50 «Ахборот» (рус тилида).
20.15 «Нозик мўъжиза».

20.30 «Ахборот».
21.00 «Сўнгги кўнгирик».
21.10 «Яхши дам олинг».
21.25 «Саҳрон кабир сири». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Саргузашт фильмлар экрани.
23.10 Бокс. Бокс. Бокс.
23.30 — 23.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

III
16.50 Киноафиша.
16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».

20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусикий курсатув.

21.35 **Эълонлар**.
21.40 Оскар совриндорлари: «Тунда содир бўлган воқеа». Бадий фильм.
23.20 — 23.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультимоша».
19.05, 21.40 — **Эълонлар**.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Уй остонадан бошланади».
20.25 «Наволарда аён этсам».
20.45 «Бу бўстон аро...».
21.10 «Дурларшан».
21.45 Кинематограф. «Туш ўнгидан келди ёки чемола».
23.00 Араб эстрадаси.
23.25 — 23.35 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телесальманах.
9.00 «Хайр, мунаввар даргоҳ».
9.40 «Шоҳрух» клуби.
10.00 «Зиёрат».

10.10 **«Ёшлар» телеканали**:
1. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
2. «Мен билган, билмаган дунё».
3. «Сизга ўхшашим келади».
4. «Кувноқлар ва зукколар».

12.10 Кундузги сеанс. «Шавкатли рицар Айвенго ҳақида қисса». Бадий фильм.
13.35 «Ўйла, изла, топ!». Телебеллашу.
14.20 «Зийнат».
14.40—15.10 «Маънавият». Бадий-публицистик курсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Бизнинг азиз бобо-лар».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий курсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — **Эълонлар**.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».

21.00 М. Турғунбосова хотирасига бағишланган танлов ғолибларининг концерти.
22.00 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.
22.45 «Ахборот».
23.10 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
23.55 «Мусикий саёҳат».
00.15 Дикҳат, премьераси: «Мерос». Бадий фильм. 5-серия.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

II
9.00 Кўрсатувлар дастури.
9.05 «Сир».
9.20 «Дилбарим».
9.40 «Спорт китъаси».
10.10 «Сўз ва соз оҳанглари».
10.40 «Лавжой». Телесериал.
11.30 Дубляж.
11.50 Болалар экрани.
13.20 Шарқ эстрадаси.
13.35 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.25 «Одамлар орасида».
14.45 «Эгиз кўшиқлар».
15.05 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.55 «Хонадонингизга оёйишталик тайлими».
16.25 Бокс. Бокс. Бокс.
16.45 «Шарқ тароналари».
16.55 «Санта Барбара». Телесериал.
17.40 «Ериштош». Мульттўплам.

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Боланинг тили».
18.30 Спорт китъаси.
19.00 «Таянч».
19.15 «Қонун ҳимоясида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — **Эълонлар**.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.15 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сўнгги кўнгирик».
21.10 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кўнги. «Мафтункор чехралар».
22.00 «Даллас». Телесериал.
22.45 «Даракчи».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ.
00.20 — 00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

17.25 Дастурнинг очилиши. Ёлонлар.

20.40 — 22.25 «Шериф». Бадий фильм.

IV
10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.25 **Эълонлар**.
10.30 «Шанба эртаги».
11.40 — 12.10 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!
(«Америкага бир назар» курсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).

17.10 — 18.45 **ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ**

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультимоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 22.05 — **Эълонлар**.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ассалом, Франция».
21.10 «Осиё монитори».
21.30 «Бу ажиб дунё».
21.45 Хит-коллекция.
22.10 Киносалон.
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 31

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Болалар учун. «Қамалак». Азим Суён. «Эзулик ва ёзулик» фильм-спектакль премьераси. 2-қисм.
10.00 **«Ёшлар» телеканали**:
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Ғазалхон ёшлигим».
3. «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
4. «Балогат бекати».
5. «Куйла, ёшлигим».

12.20 «Қатта танлафус». Телевизион ўйин.
12.55 «Ҳазрати Инсон».
13.10 «Тасвирига кўчган кўнгил».
13.30—14.00 «Боланинг — пошшолитим».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Омал қолдузи». Телевизион ўйин.
18.30 Қамолдин Раҳматов куйлайди.
18.50 «Успортлотто».
19.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — **Эълонлар**.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.00 «Чироғи ёнқ уй». Телестанов.
20.30 «Тахлилнома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.
22.00 «Акс мўъжизаси» кинодастури.
22.20 Кино янгиликлари.
22.35 Истамбул. XVII Халқаро киноанжуман. 2-курсатув.
22.55 «Ўзбек киноси ижод

МАЪЖОЗ — ҲАҚИҚАТНИНГ КЎЗИ

Ҳар бир ижодкорнинг ўз “мен”и бор. Улар орасида ҳам жуда катта шиддат билан отилиб чиқадиганлари борки, булар бетакрор овозлари билан адабиётни бир поғона юксалтиришга хизмат қилади.

Абдували Кутбиддин ўзбек шеърлатига ўзига хос шакли шамойили ва рангин оҳанглари билан кириб келди:

**Қалдирғоч иккимизни олиб кетсайди,
Дунёдан-да йироқ ерга элтсайди,
Сўнг севиб ўлмоқдин сабоқ ўтсайди,
Тўлғона, тўлғона жон берар эдик.**

Инсон Руҳи Аъзам соҳиб. Унинг руҳида осмон пастга, замин эса юксакка эврилади. У ўз қалби орқали дунёни кашф эмоққа интилади. Шоир ана шу инсон руҳиятининг гўзал қирраларини очишга, тасвирлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам у руҳият сувратларини поэтик образлар орқали чизади. Ижодкорнинг “суянган тоғи” образ саналади.

Биз бежиз ижодкорларни халқнинг юраги, демаймиз. Шоир поэтик образлар орқали ҳаёт ҳақиқатини бошқа муҳит -- санъат оламига, янги макон ва замон доирасига олиб киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, А. Кутбиддин яратган поэтик образларнинг аксари маъжозийдир.

Алишер Навоий ёзади:

**Зоҳидо, бу ишқдан манъ этмагил ошиқниким,
Гар сен идрок айлсанг, аини ҳақиқатдир маъ-
жоз.**

Яъни, маъжоз ҳақиқатнинг кўзидир, дейдилар.

А. Кутбиддин шеърларидаги маъжозда китобхон улкан этиқодни кўриши мумкин. Сўфийларда шундай фалсафа бор: Йўқдан бор қилиш, бордан йўқ қилиш. Абдувалининг “Иймон” шеърлатига лирик қаҳрамонни шундай синов кутади:

**Айди ул чимдим нур обкел кўрдан,
Бир чимдим сўз обкел соқов кўридан.**

Лирик қаҳрамон кўр эди. Оғзида нури ҳидоят ила “кўзим оч, бўлойин даргоҳингда ит”, -- дея нола қилади. Букри уни синовдан ўтказди. Букри -- ҳаёт образида намоён бўлади.

**Войладим бир оху яқин келмади
Қумга урдим юзим у мандан безор
Бирор ит мени Қайс деб билмади --
Тану жон озор...**

И. Гафуров: “Бир замонлар инсон ўзига ўзи буюк сир эди. У бу сирни очиш учун ишқда ёнган, ҳайрат водийларида кезган. Шу йўл билан у фақат шаҳодат оламидагина эмас, ғайб дунёсида ҳам беҳисоб гўзалликлар яратган”, -- деб ёзади.

Фикримизча, А. Кутбиддин ҳам бугунги кун ғайб дунёсида беҳисоб гўзалликлар яратиш ишқда ёнган ижодкордир. Унинг шеърларини ўқиркансиз, ҳайратлар оламида ўзингиз ҳам ҳайратга айланиб борасиз.

**Зулхумор ТОЖИЕВА,
Фарғона Давлат университети
талабаси.**

ДИЛДАГИ ТАЛЛАР

* Ортиқча вазндан инсон ҳансирашга тушса, бемавруд айтилган сўз уни терлатади.

* Ҳамсоя билан муомала қилганда, иложи борида ширин сўзларни бот-бот ишлатган маъқул.

* Ҳеч қачон хотин мақталмагандек, бўлар-бўлмасга эрдан нолиш ҳам яхшиликка олиб келмайди.

* Ит -- вафо, хотин -- жафо, дейдиганлар адашмаслиги учун ёлғиз яшаб кўришсин, кейин нима дейишаркин?

* Кимнидир ҳақорат қилиб, сўнг кўнглини кўтаришга ўриниш, бамисоли уни музга кўмишга ўхшайди.

* Гоҳида очик айтиш лозим бўлган гапга ҳам, негадир тўн кийдириб изҳор этишга тўғри келади.

* Тўғри сўздан чўчиб, мақтовдан ҳузур қиладиган дўстинг бўлса, душманинг ҳолати йўқ.

* Кун бўйи кайфиятига қараб турланувчи шахс билан узоқ вақт бирга ишлаб бўлмайди.

* Тилдагина содиқ бўлганлар сўзига қараб, иш тутадиганлар бир кунмас бир кун гафлатда қолиши мумкин.

Ислом УСМОНОВ

Шунақаси ҳам бўлади

МИТТИ «ТЕРРОРЧИ»

Американинг Теннесси штатидаги боғчалардан бирида тарбияланаётган 5 яшар бола ҳибсга олинди. Маълум бўлишича, митти террорчи ўз тарбиячисини ўлдирмоқчи бўлган.

Полиция вакиллари-нинг аниқлашича, воқеа бундай бўлган: тарбиячи томонидан таҳқирланган бола уйдан яширин ҳолда 25 миллиметр калибмли тўппончани боғчага олиб келган. Уни ўртоқларига кўрсата туриб,

«мени бурчакка турғизиб жазолагани учун боғча опадан қасдимни олмоқчиман», деб мақтанади. Шу заҳоти болалардан бири тўппонча ўқларини олиб, тарбиячисига кўрсатади. Ўз ўрнида тарбиячи «митти террорчи»ни дарҳол қуролсизлантириб, ҳуқуқ ҳимоячиларига хабар беради. Полиция ходимларининг аниқлашича, тўппонча боланинг бобосига тегишли экан.

(ЎЗА)

ҚОТИЛ КИМ?

Салим, Мурод, Камол ва Беҳзод исмли тўрт йигит ресторанда ўтиришибди. Беҳзоддан Камол ерга йиқилди. Милиция келиб ишни текширганида Камолнинг заҳарланганлиги аниқланди. Тергов вақтида қолган уч киши шундай кўрсатма беришди:

1. САЛИМ:

“Мен Муроднинг ёнида ўтиргандим. Ўнг томонимда Мурод ёки Беҳзод бор эди. У Камолни ўлдирган бўлиши мумкин эмас”.

2. МУРОД:

“Мен Беҳзоднинг ёнида ўтиргандим. Камолнинг ўнг томонида Салим ёки Беҳзод бор эди ва у ўлдирган бўлиши мумкин эмас”.

3. БЕҲЗОД:

“Мен Камолнинг тўғрисида

ўтиргандим. Агар ичимиздан бири ёлғон кўрсатма бераётган бўлса, демак, Камолни ўша ўлдирган”.

Ишни ўрганиб чиққач, терговчи:

“Учалангиздан бирингиз ёлғон гапирдингиз. Ўша киши -- қотил”, деди.

Айтингчи, қотил ким?

**Бош
қотир(ма)**

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(28 майдан — 31 маёгача)

ҲАМАЛ. Душанба ташвишларга бой бўлади. Сешанба кун асабини асранг. Чоршанба, жумада ишларингиз юришмасала, якшанбада ҳаммаси изга тушади.

САВР. Ҳафтанинг биринчи кун сизни сирли янгиликдан хабардор этади. Чоршанба кун харидингиз нафақат ўзингизга, балки атрофдагиларга ҳам маъқул келади. Пайшанба кун иложи борида оила аъзоларингиз билан бирга бўлинг.

ЖАВЗО. Умуман ҳафта сиз кутганчалик ўтади. Кўпдан узоқмаган қарзингиздан қутуласиз. Дўстлар билан бўлган учрашув кайфиятингизни яхшилайди.

САРАТОН. Чоршанба кун бироз бўлиб ўтадиган дилхираликни ҳисобга олмаса, ҳафта давомида кўп қувонасиз. Ёнг асосийси, сиз молиявий ҳамкорингизни топа оласиз.

АСАД. Сешанба кун кўпдан буён кутаётган янгиликни эшитасиз. Уйланмоқчи бўлганлар учун бу ҳафта қулай имкониятлар яратади ва сиз ўз бахтингизни албатта топасиз.

СУНБУЛА. Душанбада барча уринишларингиз бекорга кетмаганига амин бўласиз. Чоршанбада бошлигингиз билан айтишиб қолшингиз мумкин.

МЕЗОН. Сешанба кун ҳамма ишларингиз ўнгдан келади. Чоршанбада қутилмаган янгилик. Ҳафта

охирда эса соғлигингиз учун қайгурганингиз маъқул.

АҚРАБ. Бу ҳафта яна эски касаллигингиз сизни безовта қилади. Яхшилаб даъволаниш кераклигини унутманг. Жума кун бозорингиз бароридан келади. Пайшанба спортчилар учун омадли кун.

ҚАВС. Душанба кун кўпдан кутган одам билан учрашасиз. Пайшанба ишхонада омад сизга кулиб боқади. Жума эса сиз унутиб қўйган энг асосий янгиликдан воқиф этади.

ЖАДЙ. Ҳафтанинг биринчи кун ишларингиз унчалик юришмайди. Чоршанба ҳам самарасиз ўтади. Жумада муҳим янгилик эшитасиз ва дам олиш кунларини кўнглили ўтказишга имкон топилади.

ДАЛВ. Душанба кун ҳамкор топишда адашганингизга амин бўласиз. Пайшанбада дўстларингиз билан бирга бўласиз. Шанба ўзаро можароларга сабаб бўлсада, якшанбада ҳаммаси унутилади.

ҲУТ. Душанба кун ҳаётдаги ҳар қандай ноҳақликка ҳам бепарво қаранг. Акс ҳолда сешанба кун асабларингиз толиқиши мумкин. Дам олиш кун сирли янгилик эшитасиз.



“Туркистон” газетасига обуна давом этмоқда

МУҲТАРАМ САНЪАТ ИХЛОСМАНДАЛАРИ!

“ЎЗБЕКНАВО” гастрол-концерт бирлашмаси ва Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсий жамғармаси Сизни шу йил 7 июнь кун кеч соат 19.00 да “Туркистон” саройининг ёзги сахнасига таклиф этади. Унда **ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА** бошлиқ Хоразмнинг энг шўх ва талантили, ҳушовоз ёш созандалари Отабек Собиров, Азамат Отажонов, Отамурод Нурматов, Зафар Курбонов, Улғубек Бобожонов, Муҳаммад Йўлдошев ва бадий сўз устаси Убайдулло Қўчқоров иштирок этадилар.

Чипталар “Туркистон” саройининг кассаларида сотилмоқда.

Мурожаат учун телефон: 34-99-45

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ**

**Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ**
Навбатчи муҳаррир:
Хусан СУВОНОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қобулхона: 136-56-58, 133-95-97;
Хотлар бўлими: 136-54-64
Дизайнер: Малохат ТОШОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Навр кўрсаткичи 64607
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси
назаридан фарқлангани мумкин.